

Маълум буйруқнинг асосий тартиби

238-43-99  
Зулшукония



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA  
KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

BUYRUG'I

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” davlat unitar  
korxonasi ning yangi tahrirdagi Ustavning tasdiqlash tufarisida

Uzbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga, Vazirlar  
Mahkamasi ning 2006 yil 16 oktyabrda 215-son qarori bilan tasdiqlanган  
“Davlat korxonalarini tufarisida”gi nizomga, Axborot texnologiyalari  
va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligining 2019 yil 5 iulda 427-son  
buyrugiga muvofiq, shuningdek Axborot texnologiyalari va  
kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi tizimida operativ  
boshqaruv huqukiga ega bulgan “Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye  
markazi” davlat unitar korxonasi (keyingi urinlarda – “PRTM” DUK)  
faoliyatini yanada takomillastirish maqsadida, buyoramam:

1. Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish  
vazirligi tizimida operativ boshqaruv huqukiga ega bulgan  
“PRTM” DUK ning yangi tahrirdagi Ustavi ilovaга muvofiq tasdiqlansin.

2. “PRTM” DUK (M. Sabirov) yangi tahrirdagi Ustavning tegishli  
muassasalarda ruyhatdan utkazilishini taaminlasin.

3. Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish  
vazirligining 2015 yil 24 noyabrda 303-son buyrug'i uz kuchini iyoqtogan  
deb hisoblanisin.

4. Mazkur buyruqning ijrosini nazorat qiliش vazir urinbosari  
K. Iuldashев zimmasiga ioklanisin.

Vazir

Ш. Садиков

Toshkent sh.  
2020-y. 11-son  
111-son

RADIOALOQA, RADIOESHITTIRISH VA TELEVIDENIYE  
MARKAZI DAVLAT UNITAR KORXONASI  
Kirish 1/693 -son  
18 03 2020y

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлигининг  
2020 йил “ 14 ” Март даги  
142 -сон буйруғи билан  
тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги  
“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi”  
давлат унитар корхонаси**

## **УСТАВИ**

(янги тахрирда)

**Тошкент**

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда - “RRTM” ДУК) таркибий бўлинмаларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари тўла риоя қилишлари ҳамда белгилаб қўйилган асосий вазифа ва топшириқларни ўз ваколатлари доирасида бажаришлари шарт бўлган норматив ҳужжат тоифасига киради.

2. Давлат унитар корхонасининг номи:

**Ўзбек тилидаги тўлиқ номи:**

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” давлат унитар корхонаси;

қисқартирилган номи: “RRTM” ДУК;

**Рус тилидаги тўлиқ номи:**

Государственное унитарное предприятие “Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения”;

қисқартирилган номи: ГУП “ЦРРТ”;

**Инглиз тилидаги тўлиқ номи:**

“Centre of radio communication, broadcasting and television” state unitary enterprise;

қисқартирилган номи: - “CRCBT” SUE.

3. “RRTM” ДУК нинг юридик манзили: 100202, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109-“а” уй.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) “RRTM” ДУКнинг ягона муассиси ҳисобланади.

5. “RRTM” ДУК ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан Вазирлик томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилоти ҳисобланади.

6. “RRTM” ДУК мазкур устав ва Вазирлик ёки Вазирлик вакили (Вазирликнинг ваколатли вакили) томонидан берилган топшириқ ва кўрсатмаларга сўзсиз риоя қилган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади.

7. “RRTM” ДУК ўзига берилган мулкдан мазкур уставда кўрсатилган мақсадлар учун бевосита Вазирликнинг розилиги асосида фойдаланади ва тасарруф этади.

8. “RRTM” ДУК банк ҳисоб рақам(лар)ига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамз, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси

Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

9. “RRTM” ДУК қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. “RRTM” ДУК Вазирлик розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

11. “RRTM” ДУК ўзига бириктирилган мулкдан оқилона фойдаланиши шарт ва у Вазирлик розилигини олмасдан ўзга юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ҳақли эмас.

12. “RRTM” ДУК ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, кўрсатма ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, кўрсатма ва топшириқларига, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, баён (баённома)лари, кўрсатма ва топшириқларига, Вазирликнинг қарорлари, буйруқлари, фармойишлари, кўрсатма ва топшириқлари ҳамда бошқа ҳужжатларига, шунингдек ушбу устав талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда амалга оширади.

13. “RRTM” ДУК қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда Вазирлик олдидаги мажбуриятларини, тасдиқланган бизнес-режасидаги ишлаб чиқариш режаларини, шунингдек молиявий-хўжалик фаолияти бўйича белгиланган таҳлилий ва статистик кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлайди ва ўрнатилган тартибда ваколатли давлат бошқаруви органларига ҳисобот беради.

## II. ТАЪСИС ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

14. Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 25.05.2000 йилдаги Қонунига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 61-9-сон ҳамда 2015 йил 15 майдаги 123-сон қарорлари билан ташкил этилганлиги сабабли у Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ лицензиясиз фаолият юритишга ҳақли, аммо у лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажаришга мажбур.

15. “RRTM” ДУК ўзининг ижтимоий, ишлаб чиқариш, ташкилий ва молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ

билан таъминлаш асосида мазкур уставда белгиланган вазифалар ва функциялар доирасида амалга оширади.

16. Ушбу устав “RRTM” ДУКнинг ягона таъсис ҳужжати ҳисобланади.

17. “RRTM” ДУК уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Вазирликнинг тегишли буйруғи асосида амалга оширилади ва ушбу ўзгартириш ҳамда қўшимча киритилган устав белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

### **III. ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**18. “RRTM” ДУК фаолиятининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида телерадиодастурларни аналог ва рақамли форматда тарқатиш ва трансляция қилишни ташкил этиш, бошқариш, шу жумладан радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш;

телерадиодастурларни аналог ёки рақамли форматда тарқатиш ва трансляция қилишни ташкил этиш, бошқариш, шу жумладан радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини доимий мониторинг қилиш бўйича ягона бошқарув тизимини яратиш;

манфаатдор ташкилотларга шартнома асосида радиоалоқа хизматларини кўрсатиш;

“алоҳида давр” ва фавқулодда ҳолатларда радиоалоқа тармоқларининг ўзаро муносабатларини ташкил этиш;

телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш.

**19. “RRTM” ДУК нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

а) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш, уларнинг барқарор ва сифатли ишлашини таъминлашда замонавий телекоммуникация технологияларидан, шу жумладан ахборот, компьютер ва медиатехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

б) мулкчилик шаклидан қатъи назар телерадио ташкилотларнинг буюртмаларига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини етказиб бериш хизматларини кўрсатиш;

в) замон талаблари, давлат ва соҳа стандартлари ва меъёрларига мувофиқ радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқлари, техник воситалари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларидан техник фойдаланишни таъминлаш;

г) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини, техник

воситалари, узатиш қурилмалари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларини ривожлантириш, кенгайтириш, қайта қуриш ва замонавийлаштириш;

д) инвестиция ва қурилиш, шу жумладан таъмирлаш ва мукамал таъмирлаш лойиҳаларини ҳамда инвестиция ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш бўйича истиқболли устувор йўналишларни аниқлаш ва белгилаш;

е) инвестиция ва манзилли дастурларни амалга ошириш учун молиявий манбаларини аниқлаш, корхоналар, ташкилотлар ва молия институтларининг сармояларини, шу жумладан чет эл кредитларини жалб қилиш ва “RRTM” ДУКнинг инвестицион сиёсатини янада такомиллаштириш;

ё) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини, техник воситалари, узатиш қурилмалари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларидан техник фойдаланиш қоидалари, низомлари, йўриқномалари ва меъёрий ҳужжатларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ж) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш, асосий йўналишларни белгилаш ва такомиллаштириш;

з) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқлари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларидан техник фойдаланишни юқори профессионал даражада амалга ошириш борасида мутахассис ва ходимларни ўқитиш, уларнинг касбий маҳоратини ва малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш;

и) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, кўрсатма ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, кўрсатма ва топшириқлари, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, баён (баённома)лари, кўрсатма ва топшириқлари, Вазирликнинг қарорлари, буйруқлари, фармойишлари, кўрсатма ва топшириқларига ҳамда ушбу Устав талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда амалга ошириш ва мазкур ҳужжатларда кўрсатилган топшириқ ва кўрсатмаларни сўзсиз ижро этиш.

#### IV. ФУНКЦИЯЛАРИ

20. “RRTM” ДУК ўзига юклатилган асосий вазифаларни, мақсад ва йўналишларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

**а) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш**

**тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш, уларнинг барқарор ва сифатли ишлашини таъминлашда замонавий телекоммуникация технологияларидан, шу жумладан ахборот, компьютер ва медиатеchnологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш соҳасида:**

телерадиодастурларни аналог ёки рақамли форматда тарқатиш ва трансляция қилишни ташкил этиш, бошқариш, шу жумладан радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини ягона бошқарув тизими орқали доимий мониторинг қилиш;

радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш;

радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларининг барқарор ва сифатли ишлашини таъминлашда замонавий телекоммуникация технологияларидан, шу жумладан ахборот, компьютер ва медиа-технологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

ҳаракатдаги радиоалоқа (мобил ва транкинг), кабель ва эфир кабель телевидение, маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш;

тармоқдаги техника воситаларидан самарали фойдаланиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, техник воситаларни замонавийлаштириш ва қайта қуриш бўйича таклифлар тайёрлаш, метрологик таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш;

аҳолини ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органларини узлуксиз ва юқори сифатли радиоалоқа, радиоэшиттириш ҳамда телевидение хизматлари билан таъминлаш учун зарур режа-дастурларни, тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**б) мулкчилик шаклидан қатъи назар телерадио ташкилотларнинг буюртмаларига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини етказиб бериш хизматларини кўрсатиш соҳасида:**

давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, уларнинг телерадио дастурлари ва телерадиоканалларини радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқлари орқали аналог ва рақамли форматда узатиш, тарқатиш ва етказиб бериш хизматларини кўрсатиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар телерадио ташкилотларнинг буюртмаларига кўра, ер сунъий йўлдоши алоқа тизимлари ва станцияларидан фойдаланган ҳолда телерадиодастурларни узатиш, етказиш ва тарқатиш хизматларини кўрсатиш;

телерадиосигналларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан шартномалар асосида импорт ва экспорт қилишни ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларини етказиб бериш хизматларини кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномавий муносабатларни

мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш, шунингдек хизматлар кўрсатиш, эксплуатация харажатларини қоплаш ва бошқа даромад олишга доир шартномаларни ўрнатилган тартибда тузиш.

**в) замон талаблари, давлат ва соҳа стандартлари ҳамда меъёрларига мувофиқ радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқлари, техник воситалари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини техник фойдаланишни таъминлаш соҳасида:**

буюртмачиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб телерадиодастурлар тарқатиш техник воситаларининг иш режалари ҳамда жадвалларини ишлаб чиқиш ва улар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини, техник воситалари, узатиш қурилмалари, бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларининг норматив ва стандартлар талабларига мувофиқ узлуксиз ишлашини, сақланишини ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни такомиллаштириш, ривожлантириш, лойиҳалаш, эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатишни амалга ошириш.

**г) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини, техник воситалари, узатиш қурилмалари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларини ривожлантириш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилиш соҳасида:**

радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини, техник воситалари, узатиш қурилмалари, бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларини ривожлантириш, кенгайтириш, реконструкция ҳамда модернизация қилиш бўйича инвестиция ва қурилиш, шу жумладан таъмирлаш ва мукамал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини, инвестиция ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш.

**д) инвестиция ва қурилиш, шу жумладан таъмирлаш ва мукамал таъмирлаш лойиҳаларини ҳамда инвестиция ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш бўйича истиқболли устувор йўналишиларни аниқлаш ва белгилаш соҳасида:**

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан объектларни қуриш ва мукамал таъмирлаш ишларини бажаришда архитектура ва қурилиш стандартлари ва меъёрлари, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилишини таъминлаш, мониторинги ва назоратини олиб бориш, фойдаланишга қабул қилишни амалга ошириш.

**е) инвестиция ва манзилли дастурларни амалга ошириш учун молиявий манбаларни аниқлаш, корхоналар, ташкилотлар ва молия институтларининг сармояларини, шу жумладан чет эл кредитларини**



**жалб қилиш ва “RRTM” ДУК нинг инвестицион сиёсатини янада такомиллаштириш соҳасида:**

радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение хизматларини кенгайтириш ва янги хизмат турларини жорий этиш билан даромадлар ҳажмини ошириш бўйича корхонанинг маркетинг сиёсатини юритиш, келажак дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда устувор йўналишларни белгилаш;

корхонанинг даромадлар ҳажмини ошириш мақсадида радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение хизматларини кенгайтириш ва янги хизмат турларини жорий этиш ва амалга ошириш;

фаолиятни кўшимча молиялаштириш учун мақсадли акциялар, қимматли қоғозлар сотиб олиш, уларни банк депозит ҳисобварақаларида юқори фоизли омонатларга қўйиш, бошқа корхона, ташкилот ва жамиятлар устав фондидаги Корхона улушларини мониторинг қилиш;

Тошкент телеминорасида умумий овқатланиш жойлари, савдо ва тижорат дўконлари ташкил этиш, эсдалик совғалари, буклетлар, календарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда маданий-оммавий тадбирларни ўтказишни ташкил этиш, республикамиз аҳолиси ва чет эл сайёҳларига Тошкент телеминорасини томоша қилиши ва ресторанида овқатланиши учун хизматлар кўрсатиш;

радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение, маълумотлар узатиш, радиоалоқа тармоқлари хизматларидан фойдаланишга доир қурилмаларни, радиотехника асбоб-ускуналарини, техник ва радиоэлектрон воситаларни, асбоб-ускуналарни, жиҳозларни, компьютер ва оргтехникаларни, бутловчи ускуна ва жиҳозларни қонунда белгиланган тартибда чет эллардан харид қилиш ҳамда сотиш, шунингдек улгуржи ва чакана савдосини амалга ошириш.

**ё) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини, техник воситалар, узатиш қурилмалари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларини техник эксплуатация қилиш қоидалари, низомлари, йўриқномалари ва меъёрий ҳужжатларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш соҳасида:**

радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение тармоқларини, техник воситалар, узатиш қурилмалари, бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларини ўрнатилган тартибда сертификация синовидан ўтказиш;

телевидение ва радиоэшиттириш тракти технологик ускуналари параметрларининг телевидение ва радиоэшиттириш соҳасининг норматив талабларига мослигини таъминлаш.

**ж) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш, асосий йўналишларни белгилаш ва**

### **такомиллаштириш соҳасида:**

ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда корхонанинг ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини яратиш, ривожлантириш, модернизация қилиш ва такомиллаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибларини белгилаш.

**з) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқлари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларининг техник эксплуатациясини юқори профессионал даражада амалга ошириш борасида мутахассис ва ходимларни ўқитиш, касб маҳоратини ва малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш соҳасида:**

муҳандис-техник ходимлар, цехлар, хизмат ва устахоналар ишчилари ва ходимларининг касб-маҳоратини ошириш мақсадида уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун зарур ташкилий шароитларни яратиш;

“RRTM” ДУК ва унинг ҳудудий радиотелеузатиш марказлари (таркибий бўлинмалари) фаолиятида автотранспорт воситалари, механизациялар, агрегатлар, бошқа техника воситаларидан, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан самарали фойдаланиш, уларни сақлаш, жорий ва мукамал таъмирлаш, фойдаланиш жараёнида техник созлигини таъминлаш, шунингдек фойдаланишда техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

мураккаб радиотехника асбоб-ускуналарини, жиҳозларини, шунингдек маиший-техника воситаларини таъмирлаш ишларини бажариш;

интернет-кафеларни ташкил қилиш ва компьютер ўйинларини ҳамда Интернет хизматларини кўрсатиш;

радио ва телевизион студияларни ва иш фаолиятини ташкил этиш;

махсус радиотехника қурилмаларини ишлатишда қидирув, бутлаш, монтаж қилиш ва тажриба-синовдан (тестдан) ўтказиш ишларини бажариш;

корхона ва ташкилотларга захирада турган ёки фойдаланилмаётган техник воситаларни, жиҳозларни, махсус қурилмаларни, биноларни фойда кўриш учун ўрнатилган тартибда ижарага бериш;

метрология ва ўлчов хизматларини кўрсатиш, ўлчов асбобларини ижарага бериш;

кичик бизнес мулкдорлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорликда тенг шерикчилик асосида қўшма радио ва телевизион студиялар ташкил қилиш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга кўмаклашиш.

режалаштирилган дастурий вазибаларнинг, топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш учун тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ моддий ресурслар ва пул маблағлари ажратиш ҳамда уларнинг мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш;

меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали хизмат кўрсатиш ва меҳнат самарадорлигини ошириш;

кашфиёт, ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналари ва ускуналардан оқилона фойдаланиш, тажриба алмашиш ва метрология бўйича ишларни ташкил қилиш;

ички меҳнат тартиби, режим ва хавфсизлик, шунингдек хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

бажарилган иш ҳажми ва кўрсатилган хизмат сифатига қараб ўрнатилган тартибда меҳнатига ҳақ тўлаш ва меъёрлашнинг илғор шакллари жорий этиш, мукофот ва бошқа хил рағбатлантириш тўловларининг миқдорларини белгилаш;

“RRTM” ДУК тасарруфидаги асосий воситалардан, мол-мулкдан, товар-моддий бойликлардан ва бошқа қимматликлардан мақсадли фойдаланиш ва уларни белгиланган тартибда сақлаш, шунингдек янги асосий воситаларни, захира қисмларни ва бошқа материалларни харид қилиш, маънан ва жисмонан эскирган асосий воситаларни ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқариш ва тугатиш, тасдиқланган режаларга мувофиқ қора ва рангли металл чиқинди ва парчаларини иккиламчи хом-ашё сифатида ўрнатилган тартибда топшириш;

“RRTM” ДУК тасарруфидаги объектларнинг ер ҳудудлари, бино ва иншоотлари, алоқа, энергия таъминот, муҳандислик коммуникациялари тармоқларининг кадастрини ўрнатилган тартибда юритиш;

Иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаб бориш, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар, ишлаб чиқариш хизматлари ҳажмини ошириш истиқболли режаларини белгилаш;

“RRTM” ДУК жамоасининг моддий манфаатдорлигини кўллаб-қувватлаш ва боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида ёрдамчи хўжалик учун ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;

“RRTM” ДУК ва унинг ҳудудий радиотелеузатиш марказлари (таркибий бўлинмалари) фаолиятларида қонунларга риоя қилинишини таъминлаш, давлат мулкани асраш ва сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ “RRTM” ДУК иш фаолиятида давлат сирларини, ошкор қилинмайдиган ҳужжатларнинг, архив материалларининг сақланишини ва махфийлик ҳолатини таъминлаш;

“RRTM” ДУК фаолиятига доир юқори турувчи давлат бошқаруви органларининг, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органларнинг, шунингдек муассис сифатида Вазирликнинг корхона фаолиятига доир кўрсатма ва топшириқларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

“RRTM” ДУК фаолиятини иқтисодий самарали ташкил этиш учун қўшимча равишда тегишли лицензиялар асосида қуйидаги фаолиятларни

амалга ошириши мумкин:

кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

улгуржи ва чакана савдо;

ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш;

баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш;

қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш;

хавфи юқори бўлган объектлардан ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришлардан фойдаланиш;

ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш;

ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва ижарага бериш;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш;

божхона омбори, божхона режимида омборхона – “эркин омборхона” таъсис этиш.

Фан ва техника тараққиёти ютуқларини ва илғор тажрибани амалга татбиқ этиш, жумладан:

юқори техник-иктисодий кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

асосий жамғармалар, меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш;

корхонанинг моддий-техника базасидан унумли фойдаланишни ташкил этиш ва мунтазам назорат қилиш;

пул маблағларини, шунингдек асосий ва айланма воситаларни моддий бойликларни қайта таъмирлашга, техник жиҳозлашга ва ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга йўналтириш;

асосий маблағлардан унумли фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини

ошириш, объектлар қурилишини тезлаштириш, смета харажатларини камайтириш ва хизматлар таннархини пасайтиришга эришиш, ишлаб чиқариш қувватларини белгиланган муддатларда қуриб фойдаланишга топширишни таъминлаш;

“RRTM” ДУК нинг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятида ортиқча сарф-харажатларга, шунингдек мулкӣ ва номулкӣ зарарлар етказилишига йўл қўймаслик чораларини белгилаш;

“RRTM” ДУК жамоасининг ижтимоӣ муҳофазасини таъминлаш, юқори ва унумли меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсиши ҳисобидан иш ҳақларини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор услубларини жорий қилиш;

“RRTM” ДУК ва унинг худудий радиотелеузатиш марказларини (таркибий бўлинмаларни) малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, билим савияси ва амалӣ тажрибаларини ошириш чораларини кўриш, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқлари техник эксплуатациясини юқори профессионал даражада амалга ошириш мақсадида мутахассис ва ходимларни ўқитиш, касб-маҳоратини ва малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш;

“RRTM” ДУК эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ходимларни корхонанинг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобига ўқитиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, ўқувчи ва талабалар амалиётларини ташкил этиш;

тиришқоқ, изланувчан, меҳнатсевар, фидойи ва масъулиятли ёш малакали мутахассисларни қўллаб-қуватлаш, малакаларини ошириш, лавозимларга тайинлаш ва улар ҳисобидан кадрлар захирасини шакллантириш.

## V. ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 21. “RRTM” ДУК қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва вазирлик ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажариш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси худудида телерадиодастурларни тарқатиш (узатиш) хизматини амалга ошириш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорликда кўшма радио ва телевизион студиялар ташкил қилиш, фаолиятини назорат қилиш, шунингдек фойда (даромад) олиш мақсадида уларга биноларни, ускуналарни, жиҳозларни ва қурилмаларни ўрнатилган тартибда вақтинча ижарага бериш;

хўжалик юритувчи субъектлар билан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар билан хизмат

кўрсатиш (ишларни бажариш) борасида ўз муносабатларини амалдаги қонунларга биноан хўжалик шартномалари, келишувлар, битимлар тузиш йўли билан белгилаш;

Вазирлик билан келишган ҳолда шўъба корхона ва радиотелеузатиш марказлар ташкил этиш, шунингдек чет эл сармояларини жалб қилган ҳолда ўз улуши билан қўшма корхона ташкил этиш ва муассис сифатида таркибига киритиш;

ўзининг бош бўлинмасини ва ҳудудий радиотелеузатиш марказларини (таркибий бўлинмаларни) малакали ходимлар ва мутахассислар билан таъминлаш, соҳага оид кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда уларнинг самарали ишлашлари ва малакасини ошириш учун қисқа муддатли курсларга ўқитишга йўналтириш, чет эл мамлакатларига соҳавий тажриба алмашиш учун юбориш;

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида “RRTM” ДУК ваколатига кирувчи масалаларни мустақил ҳал қилиш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш юзасидан Вазирлик раҳбариятига аниқ таклифлар киритиш;

маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ва идораларидан ўз ваколатига тегишли бўлган масалаларга доир зарур ахборотларни ва маълумотларни сўраш ва талаб қилиб олиш;

мулкӣ-номулкӣ низолар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган хўжалик шартномалари бўйича тарафлардан бирининг шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида юзага келган низолар судларда кўрилаётганда даъвогар ёки жавобгар сифатида ўз вакилини жалб қилиш ва қўзғатилган даъвони таъминлаш чораларини кўриш.

22. “RRTM” ДУК амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга, ваколатларга эга бўлиши мумкин.

23. Вазирлик “RRTM” ДУК Бош директори ёки ўзга истаган шахсга корхонанинг Устав фаолиятини амалга ошириш ва бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ваколатлар бериши мумкин.

#### **24. “RRTM” ДУК мажбуриятлари қуйидагилардир:**

Вазирлик ва бошқа ташкилот, корхона, муассаса ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар томонидан фақатгина мазкур уставда кўрсатилган мақсадларни амалга ошириш учун “RRTM” ДУК балансига ўтказилган ёки бириктирилган ва “RRTM” ДУК томонидан қабул қилинган айланма ва асосий воситалардан, бошқа мол-мулклардан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ва Вазирлик (Вазирлик ҳайъати) ҳужжатларида кўрсатилган тартибда фойдаланиш ва сақланишини таъминлаш;

молиявий-хўжалик фаолияти якунлари (чорак, ярим йиллик, 9 ойлик, йиллик) бўйича тегишли давлат бошқарув органларига ва Вазирликка даврий ҳисоботлар (баланслар) топшириш;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланиши лозим

бўлган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаш;

юримдик ва жисмоний шахсларга радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидение хизматларини юқори ва сифатли даражада кўрсатиш ишларини таъминлаш;

молиявий-хўжалик фаолиятидаги ҳисоб-китоб ишларини Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонуности меъёрий ҳужжатлар асосида олиб боради. Муддати ўтган кредитор ва дебитор қарздорликларни қонунда белгиланган тартибда бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни кредиторларга нисбатан тегишли суд орқали даъво қўзғатиш йўли билан мажбурий ундириш чораларини кўриш;

йиллик йиғилишни йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказиш ва давлат бюджетига ажратмаларни соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан 60 кундан кечиктирмай тўлаш;

Вазирлик (Вазирлик Ҳайъати) ёки Вазирликнинг тегишли таркибий тузилмаси томонидан берилган кўрсатма ва топшириқларнинг мазкур кўрсатма ва топшириқларда назарда тутилган тартибда сўзсиз, ўз вақтида сифатли ижросини таъминлаш;

“RRTM” ДУК амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

25. Вазирлик “RRTM” ДУК Бош директорига корхонанинг устав фаолиятини амалга ошириш ва бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган кўшимча мажбуриятларни юклаши мумкин.

## **VI. ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ**

26. “RRTM” ДУК Вазирлик тизимидаги корхона ҳисобланади ва ўз фаолиятида Вазирлик раҳбарияти ёки вазирлик Марказий аппарати тузилмалари томонидан берилган кўрсатма ва топшириқларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилишини таъминлайди. Вазирлик эса “RRTM” ДУКнинг ягона муассиси ва ягона юқори турувчи-мувофиқлаштирувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

27. Вазирлик Ҳайъатининг қарорига асосан ва Вазирнинг тегишли буйруғи билан лавозимга тайинладиган ва озод қилинадиган Бош директор “RRTM” ДУКда раҳбарликни амалга оширади.

28. Бош директор корхонанинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдида кўйилган вазифаларнинг бажарилиши ташкил этилиши, амалга оширилиши, ушбу вазифаларнинг ўз вақтида ижро қилиниши учун шахсан жавобгар ҳисобланади ва у ишончномасиз корхона номидан фаолият кўрсатади, шу жумладан корхонанинг манфаатларини ифодалайди ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган ёки қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган

исталган битим ва шартномаларни корхона номидан тузади ва ушбу шартномаларнинг бажарилишини шахсан амалга оширади. Бош директор ўзига берилган ваколатларни ёки ҳуқуқларни ўзга шахсларга беришга ҳақли эмас, бундан Вазирлик буйруғи асосида берилган ҳолатлар мустасно.

Бош директор қуйидаги директорларига эга бўлади ва улар қуйидагича лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади:

Техник директор “RRTM” ДУК Бош директори ёки вазирлик Марказий аппарати тузилмалари раҳбарларидан бирининг тавсиясига мувофиқ вазирнинг тегишли буйруғи билан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

“RRTM” ДУК Бош директорининг бошқа йўналишлар бўйича директорлари тегишли вазир ўринбосарларининг таклифи ва Вазирлик розилиги асосида корхона бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

“RRTM” ДУК директорлари корхона Бош директорига бевосита бўйсунган ҳолда ўзига бириктирилган фаолият йўналиши бўйича корхонада раҳбарликни амалга оширади ва ўзига бириктирилган фаолият йўналиши бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

“RRTM” ДУКнинг Бош директори бошқа директорлар билан бир қаторда уларга бириктирилган фаолият йўналишлари бўйича белгиланган вазифа ва топшириқларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилиши учун бу директорлар билан биргаликда шахсан жавобгардир.

Корхона бош директори Вазирликнинг розилигини олган ҳолда Радиотелеузатиш марказлари директорлари, уларнинг ўринбосарлари ва бош муҳандисларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари тузади, ўзгартиради ва бекор қилади, буйруқ ва фармойишлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлик розилиги билан масъул ходимларга ишончномалар беради, ходимларнинг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорларини Вазирлик билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

**29. Бош директор корхона олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидагиларни шахсан амалга оширишга мажбур:**

корхонанинг иш фаолиятини ташкил қилиш;

корхона меҳнат жамоасига шахсан раҳбарлик қилиш;

ишлаб чиқариш, ижтимоий, ташкилий ва молиявий-ҳўжалик фаолиятини бошқаришда қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, шунингдек меҳнат, хўжалик, шартномавий ва молиявий интизомга риоя қилиш ва ходимлари томонидан мазкур талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

ўз ваколати доирасида “RRTM” ДУК ва унинг таркибидаги ҳудудий радиотелеузатиш марказларининг намунавий тузилмаларини ишлаб чиқиш ва шахсан тасдиқлаш;

“RRTM” ДУК бошқарув тузилмаси ва штатлар жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда Вазирлик билан шахсан келишиш;



таркибий тузилмаларда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;  
иш ўринларини белгилаш;

ишлар кўламини, хизматлар кўрсатиш ҳажмларини режалаштириш  
ва бажарилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатлари ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда банк  
муассасалари ва кредит ташкилотларида “RRTM” ДУКнинг жорий, валюта ва  
бошқа махсус ҳисоб рақамларини очиш ва ёпиш;

молия, банк, кредит ва бошқа тўлов ҳужжатларига шахсан имзо қўйиш;

шартномавий мажбуриятларини бажариш мақсадида банклар орқали  
молия, кредит, валюта операцияларини амалга ошириш ва ушбу жараёнларда  
шахсан қатнашиш;

маблағлар ва кредитларни Вазирликнинг розилиги билан тасарруф  
қилиш;

корхонанинг ижтимоий, ишлаб чиқариш, ташкилий ва молиявий ҳамда  
ўзга фаолият йўналиши бўйича шахсан жавоб бериш;

ўз ваколати доирасида корхонага тегишли мулклар юзасидан ходимлари  
билан моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномаларни шахсан тузиш  
ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

корхона балансига ўтказилаётган ёки бириктирилаётган мулкларни, шу  
жумладан, ишлар ва хизматларни, кўчар ва кўчмас мулкларни қабул қилиш;

корхона номидан судларда ва бошқа органларда иштирок этиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда “RRTM” ДУК ва унинг таркибий  
тузилмалари, шунингдек радиотелеузатиш марказлари раҳбар ходимлари  
ва мутахассислари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий  
ҳужжатлар (низом, йўриқнома, қоида, Кенгаш қарори, буйруқ, фармойиш,  
ёзма ва оғзаки топшириқ ва кўрсатмалар) қабул қилиш ва ушбу ҳужжатларга  
шахсан ўзи амал қилиш ҳамда мазкур ҳужжатларга ходимлари риоя  
қилишларини назорат қилиш;

техник директор ва йўналишлар бўйича директорлар ўртасида  
вазифаларни тақсимлаш, уларнинг хизмат ваколати доирасига кирувчи иш  
фаолияти учун жавобгарлик даражасини белгилаш;

“RRTM” ДУК ва унинг таркибий тузилмалари, шунингдек  
радиотелеузатиш марказлари раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг  
лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш ва ушбу ҳужжатларга мазкур ходимлар  
томонидан риоя қилинишини шахсан назорат қилиш;

“RRTM” ДУК нинг барча тузилмавий радиотелеузатиш марказларига  
умумий раҳбарликни амалга ошириш ва уларнинг фаолияти бўйича шахсан  
жавоб бериш;

корхона таркибидаги ҳудудий радиотелеузатиш марказларининг  
тузилмаси кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш юзасидан кадрлар  
сиёсатини амалга оширишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва ушбу  
жараёнларни шахсан назорат қилиш;

“RRTM” ДУК ва унинг таркибидаги ҳудудий радиотелеузатиш марказларининг тасдиқланган Низомларига мувофиқ ўзларига берилган ваколатлари доирасида ихтисосликлари соҳага тўғри келадиган мутахассисларни танлаш ва кадрларни жой-жойига қўйиш, ёш мутахассисларга мураббийлик қилиш ва тарбиялаш, раҳбар ходимлар захирасини шакллантириш юзасидан доимий иш олиб бориш;

келажакда танлов асосида ишга қабул қилишни назарда тутган ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларининг “RRTM” ДУК ва унинг таркибидаги радиотелеузатиш марказларида амалиёт ўташлари, битирув-малака, диплом ишлари тайёрлашларини тартибга солиш ва ташкил этиш, бунда белгиланган тартибга риоя қилиш;

“RRTM” ДУК бош бўлинмаси ва унинг таркибидаги ҳудудий радиотелеузатиш марказларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини қонунда назарда тутилган тартиб ва муддатда суҳбат ҳамда шаходат синовидан ўтказишни ташкил қилиш;

ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш, таркибий бўлинмаларни, радиотелеузатиш марказларини малакали ва етук мутахассислар билан таъминлашнинг зарурий чора-тадбирларини белгилаш;

Вазирлик, Вазирлик Ҳайъати, Вазирлик раҳбарияти ва марказий аппарати таркибий тузилмаси (раҳбар ва ходимлари) нинг ҳужжатлари (буйруқ, қарор, фармойиш, баён ва ҳ.к.), кўрсатма ва топшириқларини уларда кўрсатилган ҳолатда сифатли ўз вақтида бажарилишини сўзсиз шахсан таъминлаш;

Вазирлик (Вазирлик Ҳайъати) нинг тегишли равишда хабардор қилинган барча йиғилишлари (мажлис, семинар, давра суҳбати ва ҳ.к.)да шахсан қатнашиш;

“RRTM” ДУК фаолиятига зарар келтирувчи ўзининг ҳар бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги хусусида шахсан Вазирлик (Вазирлик раҳбарияти, Ҳайъати, марказий аппарати таркибий тузилмаси) га ёзма хабар бериш;

“RRTM” ДУК га юборилган ёки “RRTM” ДУКга йўлланган мурожаатлар (ходимлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари)нинг ўз вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан тўлиқ, холис, сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш ва кўриб чиқиш;

Вазирлик, Вазирлик Ҳайъати, Вазирлик раҳбарияти ва марказий аппарати таркибий тузилмаси (раҳбар ва ходимлари)нинг ҳужжатлари (буйруқ, қарор, фармойиш, баён ва ҳ.к.), кўрсатма ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилмаган ҳолат бўйича Вазирликка бир кун ичида ёзма тушунтириш бериш;

Вазирлик ва “RRTM” ДУК нинг барча ҳужжатлари (қарор, буйруқ, фармойиш, баён ва ҳ.к.) талабларига тўлиқ ва сўзсиз шахсан риоя қилиш ва уларнинг талабларини шахсан бажариш;

Вазирлик, Вазирлик Ҳайъати, Вазирлик раҳбарияти ва марказий аппарати таркибий тузилмаси (раҳбар ва ходимлари) томонидан сўралган ахборот, маълумот ва ҳужжатларни Вазирликка ўз вақтида сифатли тақдим этиш;

30. “RRTM” ДУК га юклатилган асосий вазифалар, функциялар ва мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича шахсан жавобгар мансабдор шахс ҳисобланади ва Вазирлик, Вазирлик Ҳайъати, Вазирлик раҳбарияти ва марказий аппарати таркибий тузилмаси (раҳбар ва ходимлари) нинг ҳужжатлари (буйруқ, қарор, фармойиш, баён ва ҳ.к.), кўрсатма ва топшириқларини уларда кўрсатилган ҳолатда сифатли, ўз вақтида бажарилишини сўзсиз шахсан таъминлайди.

Бош директор ушбу уставда кўрсатилмаган ўзга мажбуриятлари Вазирлик ва “RRTM” ДУК нинг ўзга ҳужжатлари (ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат шартномаси, келишувлар, шартномалар, битимлар, одоб-ахлоқ қоидалари, жамоа шартномаси, жамоа келишуви, буйруқ, қарор, фармойиш, баён ва ҳ.к.) да белгилаб қўйилиши мумкин ва бунда ҳам Бош директор мазкур ҳужжатларга шахсан сўзсиз риоя қилиши ва уларнинг талабларини тўлиқ ва сифатли амалга оширишга мажбурдир.

#### **31. “RRTM” ДУК Бош директори қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларда, шунингдек халқаро ташкилотларда ишончномасиз “RRTM” ДУК номидан қатнашади.

32. Бош директор раҳбарлигида “RRTM” ДУКнинг Кенгаши тузилади. Кенгаш таркиби Бош директор буйруғи билан тасдиқланади ва Кенгаш фаолияти тасдиқланган Низомга мувофиқ равишда амалга оширилади.

33. Бош директор ўз вазифаларини бажаришда ва ҳуқуқларини амалга оширишда давлат корхонаси манфаатларини кўзлаб, белгиланган топшириқларга мувофиқ ҳаракат қилиши шарт.

34. Бош директор ўз хизмат вазифаларини бажармаганда, лозим даражада бажармаганда ёки хизмат ваколоти доирасидан четга чиқиб ғайриқонуний хатти – ҳаракатлар содир этган ёки қонунга зид қарорлар қабул қилганлиги ёхуд ғайриқонуний ҳаракатсизлиги оқибатида корхонага моддий зарар етказилишига йўл қўйган ёки корхонага юборилган тегишли топшириқни ўз вақтида бажармаган ёхуд бажарилишини ўз вақтида сифатли таъминламаган ҳолларда Вазирликни ўз вақтида хабардор этади, шунингдек йўл қўйилган камчилик ва хатоларини Вазирлик кўрсатган муддат ва тартибларда бартараф этган ҳолда, бу ҳақда тегишлича асослантирилган ҳисоботларни ушбу ҳисоботни тасдиқловчи ёки исботловчи далиллар билан бирга Вазирликка шахсан тақдим этади.

#### **35. “RRTM” ДУК Бош директори мажбуриятлари:**

Давлат корхонаси раҳбари давлат корхонасининг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият

кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, давлат корхонаси номидан битимларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

Давлат корхонаси ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорларини раҳбар муассис билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Давлат корхонаси раҳбари муассис олдида корхона уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

### **36. “RRTM” ДУК Бош директори жавобгарлиги:**

Давлат корхонасининг раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазибаларини бажаришда давлат корхонаси манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда давлат корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

## **VII. УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ, УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА МАНБАЛАРИ**

37. “RRTM” ДУКга бириктирилган мулк давлат мулки ҳисобланади ва Устав фонди **704 980 453 (етти юз тўрт миллион тўққиз юз саксон минг тўрт юз эллик уч) сўмни** ташкил қилади.

38. “RRTM” ДУК балансида қайд этилган мол-мулки асосий ва айланма воситалардан, шунингдек “RRTM” ДУК ҳисобида нархи ифодаланган бошқа моддий қийматликлардан ҳамда банк муассасасидаги ҳисоб рақамида мавжуд пул маблағидан ташкил топади.

39. “RRTM” ДУК мол-мулкани, молиявий маблағини шакллантириш ва кўпайтириш манбалари қуйидагилар:

муассис томонидан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктирилган мулк;

банк кредитлари ва бошқа мақсадли кредитлар;

қимматли қоғозлардан келадиган даромадлар;

капитал маблағлар ва бюджетдан ажратилган дотациялар;

беғараз молиявий ёрдам ва хайрия бадаллари ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва жамғармалар манбаларидан;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига

шакллантирилади.

40. “RRTM” ДУК мулкининг қолдиқ қиймати корхонанинг жорий йил якуни бўйича мустақил балансида акс эттирилади.

41. “RRTM” ДУК Бош директори томонидан муассис билан олдиндан келишув асосида куйидаги мақсадлар учун “RRTM” ДУК балансидаги мулкни тасарруф этиш амалга оширилади:

мулкни хўжалик жамиятлари устав фондига улуш сифатида кўшиш;

хўжалик жамиятларидаги акциялар (улушлар) ни сотиб олиш ҳамда корхонага тегишли акциялар (улушлар) ни сотиш;

асосий воситаларни сотиш, ижарага бериш ёки уларни баланс ҳисобидан чиқариш.

42. Асосий фондларини ўзга юридик шахсларга бериш, сотиш ва ҳисобдан чиқариш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳамда Вазирлик томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида ва муассиснинг олдиндан олинган розилиги билан амалга оширилади.

43. “RRTM” ДУК ва унинг ҳудудий радиотелеузатиш марказлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва Вазирликни розилиги билан давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин.

44. Вазирлик билан келишган ҳолда “RRTM” ДУК ҳудудий радиотелеузатиш марказлари ташкил этилган тақдирда, “RRTM” ДУК томонидан бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат активларини бошқариш агентлиги (унинг ҳудудий бошқармаси)ни хабардор қилиши шарт.

## **VIII. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

45. “RRTM” ДУК устав фондининг кўпайтирилишига унинг устав фонди тўлиқ равишда шакллангандан кейин рухсат этилади.

46. Устав фондининг кўпайтирилиши Вазирлик томонидан берилган мулк ҳисобидан, шунингдек корхона фаолияти натижасида олинган даромад ҳисобига амалга оширилади.

47. Вазирлик томонидан ўтган молиявий йил учун тасдиқланган йиллик бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида “RRTM” ДУК устав фонди кўпайтирилиши тўғрисидаги қарор чиқарилиши мумкин.

48. Устав фонди миқдорининг ҳажми, унинг захира фонди ҳажмини ҳисобга олган ҳолда “RRTM” ДУК соф активларининг нархидан ошмаслиги лозим.

49. Устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда Вазирлик “RRTM” ДУК уставига тегишли ўзгартишлар киритиш

тўғрисида қарор қабул қилади.

50. “RRTM” ДУК нинг устав фонди Вазирлик билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда камайтирилиши мумкин.

51. Қарор қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун давомида “RRTM” ДУК ёзма шаклда барча кредиторларни устав фондининг камайтирилганлиги тўғрисида хабардор қилади, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларига эълон беради.

52. “RRTM” ДУК уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги норматив ҳужжатлар ўрнатилган тартибда рўйхатга олувчи идораларда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

## **IX. ДАРОМАД (ФОЙДА) НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

53. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига барча солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан, шунингдек давлат корхонасининг соф фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва муассисга ажратмалардан кейин давлат корхонасида қоладиган соф фойда корхона ихтиёрида қолади ва ундан муассиснинг қарорига биноан фойдаланилади.

54. “RRTM” ДУК ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона Уставида назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланган миқдорларда заҳира ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

55. Соф фойданинг бир қисми корхона жамоаси ходимларини моддий рағбатлантиришга ва “RRTM” ДУК дан нафақага чиқиб ишламаётган меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилиши мумкин.

56. “RRTM” ДУК шартнома мажбуриятларининг бузилишига, кредит-ҳисоб, солиқ тўлови интизомига риоя қилинишига тўлиқ жавобгардир.

57. “RRTM” ДУК бошқа корхона, ташкилот ва муассасалар билан амалдаги қонунларга биноан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларини белгилайди ва амалга оширади, бунда корхона ўзининг ходимлари билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича иш берувчи сифатида корхона бош директори фаолият юритади.

58. “RRTM” ДУК ижтимоий муаммоларни ҳал этишда мавжуд маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлайди.

59. “RRTM” ДУК иш фаолиятининг яқунлари бўйича ўрнатилган тартибда иш ҳақи фондини ташкил қилади ва ходимларни мукофотлаш, моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

60. “RRTM” ДУК ва унинг ҳудудий радиотелеузатиш марказлари молиявий ва хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва бажарилишини таъминлайди.

61. “RRTM” ДУК томонидан топширилган йиллик молиявий

ҳисоботларга мувофиқ корхона соф фойдасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тақсимлайди.

62. “RRTM” ДУК фаолияти натижасида кўрилган зарарларни қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

## **X. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

63. “RRTM” ДУК ўз молиявий фаолиятини турли хил таваккалчиликлардан сақлаш мақсадида захира фондини ташкил этади.

64. Захира фондининг миқдори Устав фондининг камида 50 фоизи миқдорида ташкил этилади ва “RRTM” ДУК йиллик фойдасининг 10 фоизигача бўлган миқдорини ажратиш ҳисобига тўлдириб борилади. Захира фондлари муассис билан келишилган ҳолда тасарруф этилади.

65. “RRTM” ДУК ўз эҳтиёжлари учун қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

## **XI. РАДИОТЕЛЕУЗАТИШ МАРКАЗЛАРИ**

66. “RRTM” ДУКнинг таркибида фаолият юритиб келган 9 та – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар радиотелевизион узатиш марказлари “RRTM” ДУКга қўшиб олиниши муносабати билан, “RRTM” ДУКнинг буйруқларига мувофиқ, юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади ва қуйидагича номланади:

**Андижон радиотелеузатиш маркази** “RRTM” ДУКнинг 2013 йил 29 апрелдаги 178-сон буйруғи билан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Андижон вилояти истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасининг Ҳисоблаш маркази томонидан 1997 йил 21 январда 205-х-сон рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган Андижон радиотелевизион узатиш маркази);

**Бухоро радиотелеузатиш маркази** “RRTM” ДУКнинг 2013 йил 29 апрелдаги 177-сон буйруғи билан Бухоро вилоятида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар ҳокимияти қарорига мувофиқ 2001 йил 20 апрелдаги 680-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Бухоро радиотелевизион узатиш маркази);

**Навоий радиотелеузатиш маркази** “RRTM” ДУКнинг 2013 йил 29 апрелдаги 181-сон буйруғи билан Навоий вилоятида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Навоий вилояти, Навоий шаҳар ҳокимияти томонидан 1993 йил 8 февралдаги

185/02-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Навоий радиотелевизион узатиш маркази);

**Самарқанд радиотелеузатиш маркази “RRTM” ДУКнинг** 2013 йил 29 апрелдаги 179-сон буйруғи билан Самарқанд ва Жиззах вилоятларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Самарқанд вилояти истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасининг Ҳисоблаш маркази томонидан 1995 йил 19 январда 000721-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Самарқанд радиотелевизион узатиш маркази);

**Сурхондарё радиотелеузатиш маркази “RRTM” ДУКнинг** 2013 йил 29 апрелдаги 180-сон буйруғи билан Сурхондарё вилоятида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар ҳокимиятининг қарорига мувофиқ 1998 йил 5 майдаги 368-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Сурхондарё радиотелевизион узатиш маркази);

**Тошкент радиотелеузатиш маркази “RRTM” ДУК нинг** 2013 йил 24 апрелдаги 165-сон буйруғи билан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2002 йил 20 мартда 10-000263 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Toshkent radio va televideniye uzatish markazi”);

**Хоразм радиотелеузатиш маркази “RRTM” ДУКнинг** 2013 йил 29 апрелдаги 174-сонбуйруғи билан Хоразм вилоятида ва қисман Қорақалпоғистон Республикасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Урганч шаҳар хокимлиги давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими томонидан 2002 йил 12 сентябрдаги 340-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган Хоразм вилоят радиотелевизион узатиш маркази);

**Қашқадарё радиотелеузатиш маркази “RRTM” ДУКнинг** 2013 йил 29 апрелдаги 176-сон буйруғи билан Қашқадарё вилоятида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар ҳокимияти томонидан 2005 йил 23 майдаги Х-302/5-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган “RRTM” ДУКнинг Қашқадарё вилоят филиали);

**Қорақалпоғистон радиотелеузатиш маркази “RRTM” ДУКнинг** 2013 йил 29 апрелдаги 175-сон буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклида фаолият юритади. (Аввал Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ҳокимияти ҳузуридагиТадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 15 апрелдаги 2-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган Қорақалпоғистон радиотелевизион узатиш маркази);



67. “RRTM” ДУК ҳудудий радиотелеузатиш марказларини, ваколатхоналарини ва таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш муассис билан келишган ҳолда қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади.

68. “RRTM” ДУК таркибидаги ҳудудий радиотелеузатиш марказларининг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятлари амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек “RRTM” ДУК Бош директори томонидан тасдиқланган Низомларга мувофиқ равишда олиб борилади.

69. “RRTM” ДУК таркибидаги ҳудудий радиотелеузатиш марказлари барча турдаги статистик, истиқболли ва бухгалтерия ҳисоботларини, чораклик, ярим йиллик ва йиллик балансларни ўрнатилган тартибда тасдиқланган шаклларда ва марказлаштирилган тартибда “RRTM” ДУК га тақдим қиладилар.

70. “RRTM” ДУК ҳудудий радиотелеузатиш марказлари ўзларининг тасдиқланган Низомларида белгиланган асосий вазифаларни, функцияларни бажариш билан бир вақтда юқори турувчи бошқарув органи сифатида “RRTM” ДУК томонидан қўшимча равишда берилган ваколатлар доирасида хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномавий муносабатлар белгилаш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларга бўнак ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ҳар ойда иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, мақсадли сарф-харажатларни амалга ошириш учун жойлардаги банк муассасаларида “RRTM” ДУК томонидан корхона ҳисоб рақамлари очилади.

71. Ҳудудий Радиотелеузатиш марказларининг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятлари бошқаруви муассис сифатида “RRTM” ДУК томонидан бериладиган махсус ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар (директор) томонидан олиб борилади.

72. “RRTM” ДУК бош бўлинмаси ва унинг таркибий тузилмалари сони, турлари ва штатлар жадвали Вазирликбилан келишилган ҳолда “RRTM” ДУК Бош директори томонидан тасдиқланади.

73. “RRTM” ДУК ҳудудий радиотелеузатиш маркази директорлари муассис билан келишилган ҳолда ўринбосари (Бош муҳандиси) ҳамда Бош бухгалтери “RRTM” ДУК билан келишилган ҳолда “RRTM” ДУК Бош директори томонидан лавозимга тайинланади.

73. “RRTM” ДУК ҳудудий радиотелеузатиш марказлари “RRTM” ДУК билан келишган ҳолда ўз тасарруфидаги мулкка эгаллик қилишлари ва бевосита фойдаланишлари, балансга киритилган асосий ва айланма воситалар, шунингдек жойлардаги банк муассасасидаги корхона ҳисоб рақамида мавжуд пул маблағлари ҳисобига шартномавий мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

74. “RRTM” ДУК билан келишган ҳолда шартномавий муносабатлардан юзага келган мулккий – номулкий низолар бўйича “RRTM” ДУК ҳудудий

радиотелеузатиш марказлари судларга даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этишлари мумкин.

## **XII. ЖАВОБГАРЛИГИ**

75. “RRTM” ДУК ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради, бундан корхона бош директорининг айби билан корхона ёки ўзга шахсга зарар етказилган ҳолатлар мустасно. Вазирлик қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда (корхона суднинг қарорига мувофиқ банкрот деб эълон қилинган тақдирда) субсидиялар тартибда қисман мулкий жавобгар бўлиши мумкин.

76. “RRTM” ДУК Вазирликнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

77. “RRTM” ДУК ўз ҳудудий радиотелеузатиш марказлари мажбуриятлари бўйича Вазирлик ва ҳуқуқий ворис сифатида жавоб беради.

## **XIII. ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК**

78. “RRTM” ДУК ўзининг ишлаб-чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятини янада кенгайтириш, ривожлантириш мақсадида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширади.

79. “RRTM” ДУК фаолиятини янада такомиллаштириш, чет эл сармояларини жалб қилиш ҳамда улар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида чет эл мамлакатлари компаниялари билан музокаралар олиб бориш учун Вазирлик раҳбариятига таклифлар киритади.

80. Ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширадиган дастурий тадбирлар ва ишлар бўйича Вазирлик олдида ҳисобдордир.

## **XIV. МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ**

81. “RRTM” ДУК ўз фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда, молия-кредит муассасаларидан ҳисоб рақами ва бошқа тўлов воситалари орқали чекланмаган ҳолда молиявий операцияларини миллий сўмда ҳамда чет-эл валютасида амалга оширади.

82. “RRTM” ДУК нинг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи барча чегирмалардан кейин қолган соф фойда ҳисобланади.

83. “RRTM” ДУК куйидагиларни:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида барча даромад манбаларидан бюджетга солиқларни, йиғимларни, шунингдек бюджетдан ташқари жамғармалар тўловларини ҳисоблаш ва ўз вақтида ўтказишни;

радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение воситалари ишида сифат кўрсаткичлари бузилганлиги учун ваколатли органларнинг ёки суднинг қарори асосида жарима тўлашни;

“RRTM” ДУК Бош директори томонидан тасдиқланган тариф ва нархларда ёки хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро тузилган шартномаларда келишилган нархларда хизмат кўрсатишни;

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва Вазирлик томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

## **XV. ҲИСОБОТ ВА ҚОРХОНА ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗОРАТИ**

84. “RRTM” ДУК да ҳисобот даври якунида ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши учун жавоб беради.

85. “RRTM” ДУК фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

86. “RRTM” ДУК молиявий ва хўжалик фаолиятини ўрганиш, текшириш ёки тафтишдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

87. “RRTM” ДУК Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган тартибда молиявий ва хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиши ҳамда ушбу текширувлар натижаси бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тўғрилаши, хўжалик фаолиятини такомиллаштириши мумкин.

88. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган режали текширишнинг якуний натижалари бўйича тузилган далолатнома ва шу далолатнома асосида марказга молиявий жарима қўллаш ҳақида чиқарган қарорга норози бўлган тақдирда “RRTM” ДУК қонунда белгиланган тартибда қарор қабул қилган мансабдор шахснинг юқори турувчи органига ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

89. “RRTM” ДУК ўз фаолияти натижаларини оператив таҳлил қилиб боради, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади ҳамда давлат статистика идораларига ўрнатилган тартибда статистик ва истиқболли ҳисоботларни (балансларни) тақдим қилади.

90. “RRTM” ДУК қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таркибий тузилмаларини, радиотелеузатиш марказларининг молиявий-хўжалик фаолиятларини аудиторлик текширувидан ўтказиши ва натижалари бўйича тузилган хулосаларни статистика ва солиқ органларига тақдим қилади.

91. “RRTM” ДУК нинг ўзининг ички меъёрий ҳужжатларида

белгиланган тартибда таркибий бўлинмаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш, молиявий интизомга риоя қилиш, ўз вақтида бюджет ва юқори турувчи ташкилотлар билан, банк муассасалари, таъминотчилар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш, молиявий маблағларни тақсимлаш, тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлайди.

## XVI. ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

92. “RRTM” ДУК муассис қарорига кўра, тегишли равишда Ўзбекистон Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

“RRTM” ДУК  
бош директори



М. Сабиров